



## Таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш



**1. Қайси вақтда ҳар бир таълим олувчи ўз телефони абонентининг чақирув овозини тўлиқ ўчириб қўйиши (телефонни “овозсиз” режимга ўтказиши) шарт?**

- А. Дарс машғулотига кириш олдидан.
- Б. Таълим муассасасига кириб келишда.
- В. Дарс машғулоти бошланган дастлабки беш дақиқа ичида.
- Г. Телефонни “овозсиз” режимга ўтказиш шарт эмас.

**2. Таълим муассасасига кириб келган ташриф буюрувчи (келувчи) ўз телефонини “овозсиз” режимга ўтказиши шартми?**

- А. Шарт.
- Б. Шарт эмас.
- В. Ўз хоҳишига кўра иш тутади.
- Г. Телефон билан кириб келиш мумкин эмас.

**3. Ўқув машғулоти вақтида таълим олувчиларнинг телефони қандай ҳолатда бўлиши лозим?**

- А. Телефон паст овозга созланган ҳолатда бўлиши лозим.
- Б. Телефон “овозсиз” режимга ўтказилган бўлиши лозим.
- В. Телефон ўчириб қўйилган бўлиши лозим.
- Г. Телефон билан ўқув машғулотига кириш тақиқланади.

**4. Таълим муассасасидаги спорт тадбирлари вақтида таълим олувчининг телефони ўчириб қўйилган бўлиши шартми?**

- А. Шарт эмас.
- Б. Шарт.
- В. Ўз хоҳишига кўра иш кўрилади.
- Г. Телефон паст овозга созланган бўлиши етарлидир.

**5. Таълим олувчи телефон аккумуляторини зарядлаш учун таълим муассасасининг электр тармоқларига улаши мумкинми?**

- А. Бу қатъиян тақиқланади.
- Б. Электр тармоғи мавжуд бўлса, рухсат этилади.
- В. Мумкин, чунки таълим олувчининг тўлов-контракт суммасининг таркибига таълим муассасасида электр энергиясидан фойдаланганлиги харажатлари ҳам киритилган.
- Г. Мумкин, фақат таълим берувчининг рухсати билан.

**6. Таълим олувчи машғулот вақтида мавзу билан боғлиқ тарзда телефон калькуляторидан фойдаланиши мумкинми?**

- А. Агар мавзу билан боғлиқ тарзда бўлса, рухсат этилади.
- Б. Бунга фақат таълим берувчининг рухсати билан йўл қўйилади.
- В. Агар таълим олувчига вазифани ўз ақлу-заковати билан бажариши лозимлиги талаби қўйилмаган бўлса, рухсат этилади.
- Г. Бу қатъиян тақиқланган.

**7. Ўқув машғулоти вақтида телефонни стол устига қўйиш мумкинми?**

- А. Мумкин, агар iPhone маркали телефон бўлса.
- Б. Телефон паст овозга созланган бўлса, рухсат этилади.
- В. Таълим берувчининг рухсати билан мумкин.
- Г. Бу қатъиян тақиқланган.

**8. Таълим олувчилар ўқув машғулоти вақтида мавзу билан боғлиқ тарзда телефон орқали мусиқа тинглаши, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини тинглаши мумкинми?**

- А. Йўқ, мумкин эмас. Бу қатъиян тақиқланади.
- Б. Мумкин, агар мавзу мусиқа жанри билан бевосита боғлиқ бўлса.
- В. Мумкин, агар таълим олувчи мусиқани наушник орқали тингласа.
- Г. Мумкин, агар таълим олувчилар фақат биргина телефон орқали мусиқани тинглаётган бўлсалар.

**9. Таълим олувчи мавзуни дафтарга ёзмасдан, бевосита телефон диктафонига ёзиб олиши мумкинми?**

- А. Мумкин, агар таълим олувчи ёзиш қобилиятини вақтинча йўқотган бўлса.
- Б. Мумкин, агар таълим берувчи шунга рухсат этган бўлса.
- В. Йўқ, мумкин эмас. Бу қатъиян тақиқланган.
- Г. Мумкин, агар таълим олувчи шу усулда мавзуни яхши ўзлаштиришини исботлаб бера олса.

**10. Таълим олувчи доскага ёзилган мавзуга доир маълумотларни телефон ёрдамида суратга олиши мумкинми?**

- А. Йўқ, мумкин эмас.
- Б. Ҳа, мумкин, агар таълим берувчи шунга рухсат берса.
- В. Ҳа, мумкин, агар вақтинча ёзиш қобилиятини йўқотган бўлса.
- Г. Ҳа, мумкин, агар таълим олувчи доскадан жуда олисда ўтирган ва шунинг учун доскадаги ёзувлар яхши кўринмаган бўлса.

**11. Таълим муассасасининг ўқитувчилари ўқув машғулотлари вақтида телефондан фойдаланиш ҳуқуқига эгами?**

- А. Йўқ, бундай ҳуқуққа эга эмас. Фақат фавкулотда вазиятлар вужудга келган тақдирда ана шундай ҳуқуққа эга бўлади.
- Б. Ҳа, шундай ҳуқуққа эга, агар ўқитувчи мавзуга алоқадор масалани ёрқинроқ тушунтириб бериш мақсадини кўзлаган бўлса.

**В.** Ҳа, ўқув машғулоти вақтида телефондан фойдаланиш ҳуқуқи фақат ўқитувчига берилган, таълим олувчиларга эмас.

**Г.** Йўқ, ҳеч бир вазиятда бундай ҳуқуққа эга эмас.

**12. Таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби қуйидаги қонун ҳужжатларининг қайси бирида белгиланган?**

**А.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сонли қарорида.

**Б.** Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2006 йил 20 февралдаги 110-сонли буйруғида.

**В.** Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 23 августдаги буйруғида.

**Г.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги 139-сонли қарорида.

**13. Таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш талабларини бузган таълим олувчига нисбатан огоҳлантириш тарзидаги чорасини қўллаш мумкинми?**

**А.** Мумкин, агар таълим олувчи ўқувчи ёки тингловчи мақомида бўлса.

**Б.** Таълим олувчиларга нисбатан огоҳлантириш чорасини қўллаш бирон бир қонун ҳужжатида кўзда тутилмаган.

**В.** Огоҳлантириш чораси таълим олувчининг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қўлланади.

**Г.** Огоҳлантириш чораси таълим олувчининг мобил телефондан фойдаланишига йўл қўйган таълим берувчига нисбатан қўлланади.

**14. Олий таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини ким назорат қилади?**

**А.** Олий таълим муассасасининг раҳбари.

**Б.** Олий таълим муассасасининг Маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори.

**В.** Факультет декани ва унинг ўринбосари.

**Г.** Талабанинг куратори.

**15. Ўқув машғулоти вақтида таълим олувчилар телефон орқали сўзлашиш ҳуқуқига эгами?**

**А.** Агар ўқув машғулоти мобил телефонлардан фойдаланиш тартибини ўргатишга йўналтирилган бўлса, телефон орқали сўзлашишга рухсат этилади.

**Б.** Ўқув машғулоти вақтида таълим олувчи ўзининг энг яқин бир қариндоши билан телефон орқали гаплашиш ҳуқуқига эга.

**В.** Йўқ, бундай ҳуқуққа эга эмас.

**Г.** Таълим берувчининг рухсати билан ўқув машғулоти вақтида телефон орқали сўзлашиш мумкин.

**16. Ўқув машғулотида иштирок этмаётган талабани куратор топшириғига кўра гуруҳ сардори телефон орқали машғулотга келишга чақирши мумкинми?**

**А.** Ўқув машғулоти вақтида ҳеч ким мобил телефондан фойдаланишга ҳақли эмас.

**Б.** Давомат кўрсаткичини ошириш мақсадида дарсда иштирок этмаётган таълим олувчини чақирши учун мобил телефондан фойдаланиш мумкин.

**В.** Фақат куратор ва фан ўқитувчисининг рухсати билан чақирши мумкин.

**Г.** Таълим муассасасининг раҳбари томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган қарор асосида чақирши мумкин.

**17. Таълим олувчи ўқув машғулоти вақтида телефондан ён дафтарча сифатида фойдаланиши мумкинми?**

**А.** Мумкин, агар ён дафтарча мавзунини ўзлаштириш учун хизмат қилса.

**Б.** Мумкин, агар таълим берувчи шунга рухсат берган бўлса.

**В.** Йўқ, мумкин эмас.

**Г.** Мумкин, агар машғулот ўтаётган хонада доска мавжуд бўлмаса.

**18. Ўқув машғулоти вақтида мобил телефон орқали Интернет хизматидан фойдаланиш мумкинми?**

**А.** Йўқ, мумкин эмас, чунки барча турдаги телефонлар орқали Интернет хизматидан фойдаланишнинг имкони мавжуд эмас.

**Б.** Ҳа, мумкин, агар ўқув машғулотининг мавзуси Интернет хизматларидан фойдаланишни ўргатиш билан боғлиқ бўлса.

**В.** Ҳа, мумкин, агар таълим берувчи шунга рухсат берса.

**Г.** Ўқув машғулоти вақтида телефон орқали Интернетдан фойдаланиш тақиқланади.



### **Тест саволларига жавобларнинг тўғри вариантлари**

1.	Б	7.	Г	13.	А
2.	А	8.	А	14.	В
3.	В	9.	В	15.	В
4.	Б	10.	А	16.	А
5.	А	11.	А	17.	В
6.	Г	12.	Г	18.	Г

